

Qishloq hayoti

2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

О'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 6 OKTYABR, SESHANBA, 116 (7577) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan Bahosi keltirilgan narxda.



Барчамизга маълумки, айрим одамлар ёнғин хавфсизлиги хизмати ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмас. Уларнинг назарида ўт учирувчилар фақат ёнғинларни бартараф этиш билан шуғулланишди, ҳоло. Аслида эса ёнғин хавфсизлиги хизмати бугунги кунда барча жабҳаларни қамраб олган.



Шухратжон ўзи яратган сунъий ҳовузга оқ амур, зогора ва дўнпешона зотли балиқларнинг 10 мингдан зиёд чавақчаларини келтириб ташлади. Ҳозирги пайтда сунъий ҳовузга ташланган ўша митти чавақчалар кўкка сапчиб, турли "ўйинлар"ни намойиш этадиган семиз балиқларга айланди.



Буюк аллома Ҳаким ат-Термизий хоки абдий қўним топган меъморий мажмуа IX аср охири — X аср бошларида барпо этилган. Истиқлол йилларида мажмуа тўлиқ таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилди. Бу ерда барпо этилган "Мерос" музейи ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилаяпти.

САВДО МАЖМУАСИ ОЧИЛДИ

Наманган шаҳрида замонавий меъморчилик талаблари асосида қад ростлаган "Соф савдо" супермаркети фойдаланишга топширилди.



Президентимиз Ислам Каримов шу йил Наманган вилоятига ташрифи чоғида Наманган шаҳри архитектура қиёфасини замонавий шаҳарсозлик тамойиллари мувофиқ янада яхшилаш, шаҳар инфратузилмаси ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш масалаларига

алоҳида эътибор қаратиб, бу борада зарур йўл-йўриқ ва тавсиялар берган эди.

Айни пайтда Юртбошимизнинг "Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга оид дастури тўғрисида"ги қарори

асосида кенг қўлмали бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаётганда, бу саноат-хўжалик тармоқларида шаҳар кўрмалари кўрмаларига аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган иншоотлар қад ростламоқда.

Янги супермаркет "Қурилиш

индустрия ҳажми уй-жой" масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо этилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари сотишга ихтисослашган янги савдо мажмуаси пештахталарини тўлдирган юзлаб турдаги ноз-неъматлар она заминимиз саховатидан, ҳалқимизнинг турмуш фаровонлиги юксалиб бораётганидан далолат беради.

— Ушбу мажмуани ишга туширишда "Агробанк" ҳамда "Трастбанк"дан олинган катта миқдордаги кредит маблағидан самарали фойдаландик, — дейди жамият раҳбарининг ўринбосари Фарҳод Шокиров. — Кенг қамровли лойиҳа асосида келгусида аҳоли учун зарур бўлган яна кўплаб хизмат кўрсатиш ва сервис, савдо шох-бачалари барпо этамиз.

Супермаркетда хариддорлар учун барча шарт-шароит яратилган. Бу ерда ўрнатилган терминаллар пластик картчалар билан савдо қилиш имконини беради. Айни пайтда аҳолини қишки мавсумда арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида вилоятдаги фермер хўжаликлари ва ишлаб чиқариш корхоналари билан шартномалар тузилмоқда. Янги супермаркетда эллик нафар ёшлар иш билан таъминланди.

Супермаркетининг очилишида Наманган вилояти ҳокими вазифининг бажарувчи Б.Юсупов иштирок этди.

Акрамжон САТТОРОВ, ЎЗА МУХБИРИ.

Наманган вилояти

ЎЗБЕКИСТОН – УММОН: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 4-5 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Уммон Султонлигида бўлди.

Уммон Султонининг саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг расмий қўтиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Уммон Султони Қобус бин Саид фахрий қоровул сафи олдида ўлдилар.

Ўзбекистон ва Уммон раҳбарларининг учрашуви бўлди. Унда икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ислам Каримов Ўзбекистон Уммон Султонлиги билан ҳамкорликни юксак қадрлашини таъкидлади. Ушбу учрашув икки томонлама муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини қайд этди.

Қобус бин Саид Ўзбекистон раҳбарининг Уммонга давлат ташрифи Ўзбекистон-Уммон алоқаларидаги тарихий воқеа эканини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон билан Уммон ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва ҳамкорлик тамойиллари асосида изчил ривожланмоқда. Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган. Мамлакатларимиз терроризм, экстремизм, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси каби таҳдидларнинг олдини олиш билан боғлиқ масалаларда ҳамфикрлик. Уммон Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасидаги саяҳатлари билан юксак қадрлайди.

Ўзбекистон ва Уммон БМТ, Ислам конференцияси ташкилоти каби халқаро ташкилотлар доирасида фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Уммон билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун араб мамлакатлари билан муносабатларни мустаҳкамлашнинг янги имкониятларини очди. Уммон Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги етакчи давлат сифатида қарайди. Мамлакатимиз билан алоқаларни кенгайтириш орқали Уммон учун бутун мин-

тақамиз билан ҳамкорликни ривожлантириш имконияти янада кенгайди.

Ўзбекистон ҳам, Уммон ҳам ёқилги-энергетика мажмуи соҳасида улкан салоҳиятга эга, қишлоқ хўжалигида катта тажриба орттирган. Нефть-газ, нефть қимёси, металлургия, қурилиш, машинасозлик, тўқимачилик каби соҳаларда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида қўшма тадқиқотлар олиб боришдан икки томон ҳам манфаатдор.

Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари фаоллашиб бормоқда. 2007 йили Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳаммаси икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Сўнгги икки йилда Узаро товар айирбошлаш ҳажми сезиларли ошди, умум маблағларимиз имкониятлари зоридаги натижалардан анча кенг. 2008 йилнинг декабри ойда қатор вазирлик ва идоралар вакиллари иборат Ўзбекистон Республикаси делегацияси Уммон Султонлигига ташриф буюриб, иқтисодиёт, савдо, саноат, меҳнат, транспорт ва коммуникациялар, туризм каби соҳалар учун маъсул вазирлик ва идораларида ҳамда Марказий бандада учрашувлар ўтказди.

Музокараларда Уммон вакиллари алоҳида эътибор қаратган ҳолат озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи бўлди. Расмий Масқат Ўзбекистон галласи ва мевасабзавот маҳсулотлари импортини йўлга қўйиш тақдирини илгари сурди. Шунингдек, Уммоннинг Давлат бош заҳира ва Сармола ҳамғармалари билан Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ўртасида ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон делегациясининг ташрифи асосида Уммон Савдо-саноат палатасида икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда Уммоннинг ўттиздан ортиқ етакчи фирма ва компаниялари, қатор банк вакиллари иштирок этди. Савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик оид шартнома, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Масқат банки ҳамда Уммон араб банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

(Давоми 2-саҳифада)

Кўннинг муҳим воқеалари

► Пойтахтимиздаги "Олимпиа шон-шухрати" музейида 6-13 сентябрь кунлари Италиянинг Розеллиа де Маро шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида учта олтин ва битта кумуш медаль жағғарида, умумжамао ҳисобида туртинчи ўринни эгаллаган Армистининг буйича Ўзбекистон терма жамоаси голиб ва совриндорларнинг шарафлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

► Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳаммасининг шу йил 13 майда қабул қилинган "Қишлоқ аҳоли пунктлари ўртасида «Республикадаги энг яхши қишлоқ» танловини ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан Самарқанд вилояти Тайлоқ туманида танловнинг дастлабки босқичи ўтказилди. Танлов якунига кўра, 3,5 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган Лайсанбасиб қишлоғи «Тумандаги энг яхши қишлоқ» деб эътироф этилди ҳамда вилоят босқичига тавсия қилинди.

► Қорақалпоғистон Республикасининг Кенг ёл туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, бўлажақ тадбиркорларнинг иқтисодий ҳамда ҳуқуқий билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида "Ўз ишининг бошли" деб номланган семинар-тренинг ўтказилди.

► Бухоро тумани "Янги турмуш" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуддаги чорвачиликка ихтисослашган "Жонкул Саид" фермер хўжалиги қошида сутни қайта ишлаш бўйича юзичк завод ишла туширилди. Натижада ўнга яқин ёшлар муқим иш ўрнига эга бўлди.

"ТОШКЕНТ-ТОЛА": ТОЛАМИЗ ШУҲРАТИ ОШМОҚДА

Шу йил 14-15 октябрь кунлари пойтахтимизда V Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бўлиб ўтади

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган иш-хототлар бошқа соҳаларда бўлгани каби пахта хомашёси етиштириш ва экспорт қилишда ҳам ўзининг юксак самараларини бермоқда. Пахтакорларимиз етиштирилган юқори сифатли тола узунлиги, пишқилиги, ранги ва микрофайр кўрсаткичлари жиқтидан хориқлик харидорлар томонидан халқаро миқёсда кенг тан олинган.

Сифати жаҳон андозаларига тўла мос толаимизнинг асосий қисми Хитой, Россия, Туркия, Жанубий Корея, Сингапур, Польша, Бангладеш, Бурлашган Араб Амириклари каби давлатлар томонидан харид қилинмоқда. Жанубий-Шарқий Осиё

мамлакатлари тўқимачилик корхоналарининг Ўзбек толасига эҳтиёжи тўбора ортмоқда. Юртимизда етиштирилган пахта толасини сотиш ва қайта ишловчиларга бевосита етказиб бериш, ўзбек пахтасининг нуфузи ҳамда экспорт салоҳиятини янада оширишда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган халқаро пахта ярмаркаси муқим аҳамият касб этаётди. Мазкур тадбир маҳсулотни харидорга воситачиларсиз, тўғридан-тўғри етказиб бериш механизмининг янада такомиллаштириш, хориқлик харидорлар сифини кенгайтириш имкониятини яратмоқда.

Мамлакатимизда пахтакорларимиз етиштирилган толаи харидорларга пешма-пеш етказиб беришни йўлга қўйишга ихтисослашган йилгирма иккита минтақавий пахта терминали фаолият юритмоқда. Пойтахтимизнинг Сергели туманида жойлашган "Тошкент-Тола" пахта терминали уларнинг энг йилгир. Худудлараро мақомага эга ушбу корхона пойтахт вилоятининг тўққизта пахта тозалаш корхонасида ҳамда Андижон вилоятида тайёрланган толаи «Узсаномашимпекс», «Узмарказимпекс», «Узинтеримпекс» давлат акциядорлик ташқи савдо компаниялари билан тузилган шартномаларга мувофиқ ички истеъмолчилар ҳамда хо-



риқлик харидорларга етказиб бермоқда. "Тошкент-тола" пахта терминали кунига 500 тонна хомашёни пахта тозалаш корхоналаридан қабул қилиш имконига эга. Шу билан бирга, терминалдан бир кунда 900 тоннадан ортиқ толаи экспорт қилиш учун барча шарт-шароит яратилган. Корхонада толаи юк-лаш ва ташиш ишлари замонавий автокўлакчилар ҳамда ўнга яқин «Мерседес-Бенц» автотопеозлари ёрдамида белги-ланган манзилга ўз вақтида етказиб берилётгани харидорлар мушқулини енгилаштирмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Вазирлар Маҳаммасида Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари Комплексининг 2009 йилнинг 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

ТЎҚҚИЗ ОЙЛИК ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Мажлисда Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар комплекси соҳаларининг 2009 йил 9 ойи давомида ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирини бартараф этиш борасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати қарорларининг ижроси, 2009 йилда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини реконструкция ва модернизация қилиш, инвестиция ва «Қишлоқ тараққиёт» ва фаровонлиги йили» дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар ижроси,

Миллий телерадиокомпания тизимида юқори технологияли ускуналардан фойдаланиш самардорлигини янада ошириш, Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда ҳужжатлар билан ишлашни такомиллаштириш ҳамда ижро интизомини мустаҳкамлаш, маҳаллий ҳокимлик органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш ҳолати таҳлили, яратилаётган ахборот тизимларининг интеграциялашган тармоғини яратиш ва электрон ҳужжат алмашуви жорий этилишини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар

тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. 2009 йилнинг ўтган даврида Комплекс буйича жами 1 367,94 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Ўсиш суръати 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 126,85 % ни ташкил этди. Аҳолига 820,49 млрд. сўмлик (141,6 %) пуллик хизматлар кўрсатилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар буйича 332,8 млрд. сўмлик (234,17 млн. АКШ доллари) маблағ ўзлаштирилди ёки режага нисбатан 120 % га бажарилди. Экспорт прогнози кўрсаткичлари 116,8 % ни ташкил қилди.

Комплекс таркибидagi корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш борасида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси ижросини сўзсиз бажариш, маҳсулот таннархини камайтириш мақсадида моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ёқилган ва электр қувватини тежаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ошириш борасида амалга оширилаётган ишларни янада чуқурлаштириш юзасидан тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбарлари олдида аниқ вазифалар қўйилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агроекономия комплексининг таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ерғоқозкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат", "Ўзагроосуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенилгансаноат", "Ўзқишлоқхўжаликшароитини" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ег-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагроомашсервис", "Ўзғўштусаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агроекономия ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

ОБУНА - 2010

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

"Qishloq hayoti" ва унинг иловаси "Hayot" газеталарига 2010 йил учун обуна давом этмоқда. Обуна гасета таҳририяти ва обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан нақд пул тўлови ёки пул ўтказиш йўли билан ҳамда пластик карточка орқали амалга оширилади.

БИЗНИНГ НАШР ИНДЕКСЛАРИМИЗ:
"Qishloq hayoti" ва "Hayot" биргаликда — 144
"Hayot" — 145

ЎЗБЕКИСТОН – УММОН: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

(Боши 1-саҳифада)
2009 йил март ойда эса Уммон Султонлиги миллий иқтисодиёт вазири, Моливий ишлар ва энергетик ресурслар бўйича кенгаш раисининг ўринбосари Аҳмад бин Абдунаби Маккий раҳбарлигидаги делегация юртимизга ташриф буюрди. Ушбу ташриф асосида икки мамлакат ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, Уммон фирма ва компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Айюман йуқида Ўзбекистон Республикаси билан Уммон Султонлиги ўртасида Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, Даромадларнинг икки томонлама солиқ-иқтисодий ҳусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Айюман йуқида Ўзбекистон Республикаси билан Уммон Султонлиги ўртасида Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, Даромадларнинг икки томонлама солиқ-иқтисодий ҳусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Айюман йуқида Ўзбекистон Республикаси билан Уммон Султонлиги ўртасида Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, Даромадларнинг икки томонлама солиқ-иқтисодий ҳусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар муҳокама қилинди.

қилиш тўғрисидаги англашув меморандуми, Тошкентда Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг кутубхонаси биносини қуриш тўғрисидаги протокол имзоланган эди.

Мамлакатларимиз сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга. Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари, меъморий обидалари, буюк алломалар хоки кўни топан қадимжолари Уммон аҳлида катта қизиқиш уйғотиши табиий. Айни пайтда Уммонда ҳам кўплаб тарихий обидалар борки, улар Ўзбекистон сайёҳлик компаниялари учун ўз мижозларига тақлиф этадиган яхши ресурс бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ислом Каримов ва Қўбус бин Саид музокаралари Ўзбекистон-Уммон муносабатларини икки мамлакат манфаатларига мос тарзда янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди. Эришилган келишувлар икки томонлама ҳамкорликни янги поғонага кўтаришига ишонч билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Уммон Султонлигига давлат ташрифи якунлари бўйича Қўшма

баёнот қабул қилинди. Томонлар Тошкентда ва Маскатда ўз элчихоналарини очиб хусусида келишиб олди.

Мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорлик ва муносабатлар асослари, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, ҳаво транспорти қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, шунингдек, нефть-газ, кимё, қурилиш, олий таълим, сайёҳлик, сармоя каби соҳаларга оид ўндан зиёд ҳужжат имзоланди.

Мамлакатимиз раҳбарининг давлат ташрифи доирасида Ўзбекистон ва Уммон ишбилармонларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларини ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилиб, сармоявий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилди. Ўзбекистон иқтисодиёти устувор соҳаларининг тақдирини ўтақизилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримов Маскат шаҳридаги Султон Қўбус масжиди ва Уммон Қуролли Кучлари Султонлик музейини бориб кўрди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг давлат ташрифи Уммон Султонлиги оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримовнинг Уммон Султонлигига давлат ташрифи якунига етди.

Воҳид ЛУКМОНОВ,
ЎЗА махсус мухбири.

Тошкент-Маскат-Тошкент



Муносабат

Мустақиллик, озодлик эркинлари барча қатори бизнинг қишлоғимизга ҳам ободлик, фаровонлик ва тараққиёт келтирди. Хусусан, мамлакатимиздаги улкан коммуникация иншоотларидан бири ҳисобланган "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўлининг қурилиши билан қишлоғимиз номи юртга таралиб, у том маънода ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан илғор ҳудудга айланди.

Чунки айнан бизнинг қишлоқ бу иншоотнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Бу темир йўл тизими ишга тушиши билан янги ишчи ўринлари вужудга келди. Эндиликда Тошгузар ёшлари мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юрталарида айнан темир йўл транспорти хизмати бўйича таҳсил олиб, мутахассис бўлиб етишмоқда. Бир вақтлар фақат деҳқончилик ва чорвачилик билан машғул бўлган тошгузарликлар орасидан бугунги кунда тажрибали темир йўлчилар етишиб чиқмоқда. Оддийгина мисол. Бизнинг қишлоқдан Қурбон ва Ҳужамкул Абиловлар темирйўли бўлишган. Ҳозирги кунда эса уларнинг фарзандлари Шерқул ва Уроллар шу соҳанинг олий маълумотли, иқтидорли му-

чи ва юқларни у ерга етказди.

Баъзан телевидение, радиозиттиришларда ҳамда баъзи матбуот нашрларида "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" йўналишини эътироф этишда "Тошгузар"ни "Тошгузор" дея талқин этилаётганига ғувоҳ бўлмоқдамиз. Бундай чалқашлик юзасига келишига афтидан туманимизнинг Фўзор деб номлангани ва баъзи шу ҳақдаги кўрсатув, эшиттириш ёки мақола тайёрлаётганларнинг бундан билмаётганлиги сабаб бўлаётганидан эҳтимол. Аслида Тошгузар қишлоғи Фўзор туманидаги қишлоқлардан бири бўлиб, унинг вужудга келиши ва номланиши тарихи қуйидагича: ўтмишда бир гуруҳ аҳоли истиқомат қилган жойда бир бош гўжум дарахти (у ҳозир ҳам бор) бўлиб, унинг ёнидан ўтиб-қайтадиган гузар бўлган. Карвон йўллари ҳам шу гузар орқали ўтган. Яна шу ернинг ўзида Янгитарик ариғи оқиб ўтган ва ариқнинг тубида ҳисобсиз тошлар бўлган. Ана шу туфайли ҳам бу ҳудуд Тошгузар номи олд. Бундан 37 йил муқаддам

сел келиши хавфи эътиборга олинди, аҳоли яшаш манзили катта автомобиль йўли ёнига кўчирилди. Айни пайтда бу ҳудудда жойлашган Тошгузар, Паст Тошгузар, Ариқошган маҳаллаларида 10 мингга яқин аҳоли истиқомат қиляпти. Сирасини айтганда, бу қишлоқларда яшовчи аҳоли "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўлидан келган аҳоли истиқомат қиляпти. Сирасини айтганда, бу қишлоқларда яшовчи аҳоли "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўлидан келган аҳоли истиқомат қиляпти. Сирасини айтганда, бу қишлоқларда яшовчи аҳоли "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўлидан келган аҳоли истиқомат қиляпти.

Суюн МИНГБОВ,
Фўзор тумани Тошгузар маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

Қашқадарё вилояти

INTERNATIONAL UZBEK COTTON FAIR 2009 TASHKENT

ТОШКЕНТ-ТОЛА:
ТОЛАМИЗ ШУҲРАТИ ОШМОҚДА

ТЎҚҚИЗ ОЙЛИК ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

(Боши 1-саҳифада)
Шунингдек, йиғилишда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ҳамда маҳаллийлаштириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш сингари устувор дастурларнинг бажарилиши, меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар кўриб чиқилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, Жиззах вилояти, Тошкент шаҳри ва туман ҳокимликларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳолати муҳокама қилинди ҳамда бу борадаги тадбирлар самарадорлигини ошириш йўллари бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Йиғилишда Комплекс таркибига қирувчи вазирилик ва идораларда ҳужжатлар, жумладан, фуқаролар мурожаатлари билан ишланиш такомиллаштириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича кун тартибига қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш, бу борада раҳбарлар ва мутахассисларнинг шахсий масъулиятини ошириш, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан тегишли топшириқлар берилди ва қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

БИР ҚИЁФАДАГИ ДЎСТ ВА ДУШМАН

Барчамизга маълумки, айрим одамлар ёнгин хавфсизлиги хизмати ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмас. Уларнинг назарида ўт ўчирувчилар фақат ёнгинларни бартараф этиш билан шуғулланишди, холос. Аслида эса ёнгин хавфсизлиги хизмати бугунги кунда барча жабҳаларни қамраб олган.

Кейинги йилларда тизимда олиб борилаётган ислохотлар натижасида ИИБ ёнгиндан сақлаш бўлими бошқармага айлантирилди. Фақат хизматнинг номи ўзгарибгина қолмай, балки ҳар бир йўналишининг мукамал ва самарали ишлашига замин яратилди.

Ёнгинларнинг олдини олиш (профилактика), ёнгинларни ҳисобга олиш, ёнгинга қарши тарғибот, меъёрий-техника экспертиза йўналишдаги ишларни қайд этиш, алоҳида, муҳим ва тоифаланган объектларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш учун алоҳида гуруҳлар ташкил этилди. Бундан қўзланган асосий мақсад йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини, ходимларнинг масъулиятини янада ошириш, албатта.

Ёнгинларни тез ва талафотсиз ўчириш кўп жиҳатдан ходимларнинг касбий маҳоратига, аҳоли билан ҳамкорликка боғлиқ. Шунинг учун жойларда мунтазам равишда ёнгин ўчириш бўйича амалий машғулотлар ўтказиб борилади. Ўқув машғулотларида нафақат ходимлар маҳоратига, балки фуқароларнинг ҳушёрлигини ошириш, ёнгин чиққанда бажарилиши зарур бўлган ҳаракатларни ўрганишга ҳам эътибор қаратилади. Бундай саъй-ҳаракатлар ҳар қандай қўришни ёнгинларни бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга.

Янгилинишлар муносабати билан бошқарма ва унинг қўйи тизимидаги биноларни таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш, қисмлардаги махсус ёнгин ўчириш инсталляциялари базасини мустаҳкамлаш, уларнинг доимий шайлигини таъминлаш ва шахсий таркибга етарли шарт-шароит яратиш бериш ишлари олиб борилмоқда.

Д.АКИЛОВ,
ёнгин хавфсизлиги бўлими 12-ХЕО инспектори, капитан.



Иш дастури асосида

ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ТАДБИР

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижроси ўлароқ, Фарғона вилояти шаҳар, туманларининг кўча ва қишлоқларида қурилиш ва ободончилик ишлари кўлами яна ҳам кенгайиб кетди. Биргина Фарғона туманининг кўлаб маҳаллаларида йил Дастурига асосан ана шундай тадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда. Кўчалар кенг ва раво ҳолатга келтирилиб, ҳаммаёқ оқлаб тозаланяпти. Бир неча ўн километр узунликдаги ички сув йўллари тартибга келтирилди. Маҳалла фаоллари, бу ишларга бош кўшган фермер ва тадбиркорларнинг саъй-ҳаракатлари билан кўлаб кам таъминланган оилалар, яққа-ёлғизлар ва қариёларнинг уй-жойлари таъмирланиб, қиш мавсумига тахт қилинди. Чек шўра, сой бўйи қишлоқ фуқаролар йиғинларида кўчалар чиройини очиб, хайрия ва оталиқ ёрдами кўрсатиш каби эзгуликка йўғрилган ана шундай кўлаб тадбирларнинг амалга оширилишида саховатли кишиларнинг ёрдамлари катта бўлди.

СУРАТДА: "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлимининг раиси Ақромжон Йўлбарсов (ўнгда) туманининг Чек шўра қишлоқ фуқаролар йиғинидаги маҳаллаларда ободончилик ишлари олиб бораётган ҳашарчилар даврасида.

Музаффар МАМАТКУЛОВ олган сурат.

YETTI-IQOLIMDAN BIR SHINGIL

ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТЛАРИ ИШНИ ТЎХТАТДИ

Маълумки, Индонезиянинг Фарбий Суматра вилоятида 30 сентябрь кунин рўй берган кучли ер силкиниси оқибатида вилоят пойтахти Паданг шаҳри жуда катта талафот кўрди. 800 минг аҳоли истиқомат қилувчи шаҳарнинг учдан икки қисми айроналарга айланди.

Кунин кеча Индонезия ҳукумати расмий равишда айроналар остида қолиб кетган фуқароларни қидириш ва қутқариш ишлари тўхтатилишини маълум қилди. Табиий офат рўй бергандан буён ўтган кейинги беш кун давомида Индонезия ҳукумати мурожаатига жавобан турли мамлакатлардан евоқеа жойига етиб келган қутқарув хизматлари кечаю кундуз айроналар остида қолиб кетганларни излаш ва қутқариш билан банд бўлди. Орадан ўтган вақтни ҳисобга олганда, бундан кейинги қутқарув ишлари бефойда, яъни бу вақт ичида айроналар остида қолганлар нобуд бўлган деган хулосага келинди. Айни пайтда бошқа мамлакатлардан ёрдамга чақирилган қутқарув хизмати гуруҳлари Индонезияни тарқ этишга ҳозирлик қўрмоқда.

Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, Зилзила тўғрисида 2400 нафар киши турли даражадаги жароҳатлар билан касалхоналарга жўлалтирилган.

Зилзиладан шунингдек, Падангдан 80 километр масофада жойлашган, 370 мингга аҳоли истиқомат қиладиган Парьяман шаҳри ҳам катта талафот кўрган. Зилзила марказидан қарий миң километр узоқликда жойлашган Индонезия пойтахти Жакарта шаҳрида ҳам кучли ер силкинилари қайд этилган.

ҚХДР ҚАНЧА ҚУРОЛГА ЭГА?

Жанубий Корея мудофаса вазирилик мамлакат парламенти эътиборига Шимолий Кореянинг ҳарбий ва қурол-аслаҳавий қуч-қудратига доир аниқ маълумотларни ҳавола этди. Бу ҳужжатга кўра, айни кунда ҚХДР ихтиёрида икки ярим мингдан беш миң тоннагача микродарга кимёвий қурол ва биологик қурол ишлаб чиқаришда қўлланадиган 13 турдаги бактерия ва вируслар мавжуд.

Жумладан, ҳужжатда иприт, зарин, табун, фосген каби захарли газлар ва бошқа захарловчи моддалар, шунингдек, вабо, сарик безгак, чечак, ичбурғу ва ичтерлама касалликларини кўзғовчи бактериялар номна-ном келтириб ўтилган. Таҳлилларда қайд этилишича, ҚХДР айни кунда дунёдаги энг йирик кимёвий ва биологик қурол захирасига эга. Шимолий Кореянинг кейинги йилларда қуролланишга зўр бераётгани сир эмасди, лекин юқоридаги каби аниқ маълумотлар билан бойитилган таҳлиллар илк марта тажамаотчиликка тақдим этилди.

Бундан ташқари, бошқа бир қатор халқаро ташкилотлар томонидан келтирилган маълумотларда ҚХДР томонидан биологик қурол ишлаб чиқариш ва жорий этишга мўлжалланган махсус дастур ишлаб чиқилгани ҳам таъкидланмоқда.

Маълумки, жорий йил бошида Шимолий Корея қўшни мамлакат Жанубий Корея билан барча битим ва сулҳларни бир томонлама тарзда бекор қилган ва май ойида бир неча марта ядровий ракетапарани синовдан ўтказган эди. Бу синовлар оқибати ўлароқ, БМТ Шимолий Кореяга нисбатан жорий этилган чеклов санкцияларини янада кучайтирган эди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

БАРХАНЛАР БАҒРИДАГИ ХАЗИНА

Шофиркон туманидаги "Ғалаба" қорақўлчилик хўжалигига Муродилла Ҳақимов раҳбарлик қилади. Хўжаликнинг бош чўпони Зиёдулла Мухаммадиев тажрибали чорвадор. Шу касбининг орқасидан 5 нафар фарзандини ҳалол едириб, тарбияляпти. Буни қаранги, сурув ортидан қир ошган чўпоннинг тажрибаси ҳам ошар экан. Касбга меҳр, устоз чўпонларнинг илғор иш тажрибасини кунт билан ўзлаштириш отарлар сонини кўпайтирди. Зиёдулла Мухаммадиевга обрў келтирди. Бир пайтлар шогирд бўлган Зиёдулла аканинг ўзи бугун устоз.



Қорақўлчилик

— Ризқ-насибамиз мана шу бепоён яйловларга сочилган. Шу сабаб бу гушанин ҳар бир гиёҳи мен учун азиз, — дейди у. — Бу мавсумда 541 бош она қўйдан юқори маҳсулот олиш учун ҳаракат қиляпман. Рустам Раҳмонов, Яшимурод Эсонов сингари бош чўпонлар қўлга киритаётган меҳнат ютуқлари ҳам мактагулик.

Ширкат бош чорвашуноси Эркин Ҳикматовнинг таъкидлашича, бугунги кунда ширкатнинг 230 миң гектарлик яйловларида 9 миң бош қўй-қўзи, 110 бош туя 32 та отарда боқилмоқда. Улар 65 нафар чўпонга ишониб топширилган. Баҳорда 2801 дона қорақўл тери, 28 тонна

сифатли жун ишлаб чиқарилди. 75 бош зотли қўчқор алоҳида отарларда парвартиш қилинмоқда. Яйловларда саксовул, кериш сингари ўсимликлар сероб.

Ғиждувон туманидаги "Қўкча" наслчилик хўжалиги вилоятдаги турдош жомоалар ўртасида ўз салоҳияти ҳамда қўлга киритилаётган меҳнат ютуқлари билан ажралиб туради. 254 миң гектарлик яйловларда 26 миң бош қўй-қўзи боқилмоқда. Оғитма Фозилбек худуди ширкат марказидан роппа-роса 250 чақирим ичкарида, яъни чўл худудида жойлашган. Навоий вилоятининг Конимех туманидаги

Рашид Шоахмедов, Фасли Расулов сингари бош чўпонлар шулар жумласидандир.

— Ҳўжалигимизнинг Толди, Буқанай, Фозилбек, Оғитма худудларида асосан тоза зотли (Бухоро тилло сури) қўйлар боқилади. Наслчилик ишларини яхшилаш мақсадида ҳозирда ширкатимизда 5 та сунъий қочириб пункти ишлаб турибди. Бундан ташқари, алоҳида отарларда 600 бошдан зиёд зотли

Улугбек ЖУМАЕВ,
Ҳамроз АЛИ,
"Qishloq hayoti" мухбирлари.

Бухоро вилояти

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири.

ҚИШЛОҚ АЁЛИНИНГ ЖУРЪАТИ

Сардоба тумани Узоқов номли сувдан фойдаланувчилар уюшмасида меҳнати, яратувчилиги билан элга танилаётган уч нафар аёл бор. Ана шу уч аёл — уч овсин — фермер. Ширкат хўжаликлари тугатилганда даставвал фермерликка овсинларнинг ўртанчаси Элсева Фозилова қўл урди.

У 25 гектар ер олиб, фермер бўлди. Асосий ташкилий ишларни Элсева Фозилованинг ўзи олиб боради, экиш-тикиш ва парвариш қилиш тадбирларини турмуш ўртоғи Абдулла Кулчиев, механизатор — ўғли Фуқрат Кулчиев, сувчилар Урол Эсонов, Эргаш Субановлар бажарадиган бўлишиди. Аёлар биринчи йилданок бамааслахат, астойдил ишлаб, шўрланиб, кучдан қолаётган майдонлардаги галла ва гўзани озиклантиришда суспензиядан самарали фойдаланишиди. Галла ва гўзани баргидан озиклантириш, вегетация даврида қорамол ва қўй гўнгини эгатларга "шарбат" қилиб оқиши ҳосилнинг бўлиқ бўлишини таъминлади. Биринчи йили 10 гектар галланинг ҳар гектаридан 45 центнердан дон, 15 гектар пахта майдонидан 24 центнердан сара ҳосил йиғиштириб олинди.

Шу тарзда фермер хўжалигида ҳосилдорлик ўсиб, экин майдонлари кенгайиб борди. 2008 йилда экин май-

дони 45 гектарга етказилган бўлса, шу йилнинг бошига келиб деҳқончилик қилинаётган ер 70 гектар бўлди. Фермер дала бошида 3 гектарлик ажойиб боғ барпо этди. Чорвачиликка ҳам асос солди. Айни вақтда фермернинг 30 бош қорамоли, 60 бош қўй-эчкиси бор. Овсиннинг ютуқларидан қувонган, фермерликка қизиқиши чунонам ошиб борган Махбуба Кулчиеванинг ҳам юрагида ташаббус кучайди. 2003 йилда хўжаликдан 25 гектар ер олиб, "Мабуда" фермер хўжалиги ташкил қилди. Биринчи йили мавжуд майдоннинг ҳаммасида бугдой етиштирилди. Кейинги йили эса 10 гектар ердан дон, 15 гектар майдондан мўл пахта ҳосили олишиди. Ишда қийналган, тажрибаси етишмаган пайтларда у овсиндан ёрдам сўради. Элсева овсини, издошидан кўмагини аямди. Улар кенгашиб, бир-бирига эш бўлиб икки фермер хўжалигини бошқара бошлади. Ўртанчи овсини изи-

дан борган Махбубахон экин майдонини кенгайтириб, 2008 йилда 40 гектарга, 2009 йилнинг бошида эса 60 гектарга етказди. Ана шу экин майдонининг бу йил 46 гектариди пахта ва галла етиштирилган бўлса, 14 гектариди чорва моллари учун озуқа экинлари етиштирилди. Фермернинг 30 бош қорамоли, 14 бош қўй ва эчкиси, 50 тадан ортиқ тоғуви бор. Сут-қатиқ, гўшт, тухум каби маҳсулотлар хўжаликнинг ўзидан чиқади.

Ибрат

Жорий йилда 20 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирган омиқкорлар давлатга дон сотиш шартнома режасини ошириб бажаришди. Сифатли дефолиация ўтказилган 39 гектар майдонда айни пайтда терим авжида. Сувчи Абдуғаффор Абдужалилов, механизатор Рустам Мамазиевлар гўзани озиклантириш ва қатор ораларига ишлов бериш агротехник тадбирларини аъло даражада бажарганликлари боис ҳосилдан кўнглилари тўқ.



СУРАТДА: овсин фермерлар — Элсева Фозилова, Махбуба Кулчиева.

Икки овсиннинг иноклиги, қаттиқ далдаси боисми, кичик овсин Юлдуз Абдукаримова ҳам улар изидан бориб "Қайрилма чашма" фермер хўжалигига асос солди. 55 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган ёш фермер тажрибаси камлик қилган, об-ҳаво инжиқликлари панд бериб турган бу йилгидек шароитда овсинлар кўмаги, мададига суанди ва майдонларда мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлди.

Уч овсин фақат фермерлик билан чекланиб қолмай кўргонда сут ва

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш цехларини қуриш учун янги мини технологияни олиб келаётганлиги, ўйлаб ёшларга ишчи ўрни ярати бераётганлиги ҳар бир кишини қувонтиради. Алп қомат эркакларимиз амалга ошира олмаётган ишларни қўйилмақом қилиб удалаётган, чўлда юзлаб ёшлар, тадбиркорларга бош-қош бўлаётган бундай фидокор аёлларга тан бериш керак.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ
Сурдарё вилояти

ГАЛЛАЧИЛИК ТАЖРИБА ҲАМ, ИМКОН ҲАМ ЕТАРЛИ

Айни пайтда ихтиёри-мизда 92,2 гектар экин майдони бор. Унинг 27 гектарига қадалган бугдой уруғи ям-яшил майсаларга айланди. Утган йил тасарруфимиздаги 24 гектар майдонга кузги бугдойнинг "Андижон-2" намини экиб, сув тақчил бўлишига қарамаздан, гектаридан 60 центнердан хирмон кўтардик ва давлатга 62 тонна супер элита дон сотдик. Яхши-лаб текисланган, сувга ўнғай бўлган бир пайкалнинг ҳосилини айрим янги об-ишларимизда нақ 100 центнердан тўғри келди. Даромад фақат топширган уруғлик дон ҳисобига 35,5 миллион сўмни ташкил қилди. Узимизга қолган 84 тонна дон бу ҳисобдан ташқари.

Келгуси йил ҳосили учун 27 гектар майдонга шу синналган навадан экиб, 67,5 тонна уруғлик дон етиштиришга шартнома қилган бўлсак, 81 тонна уруғлик ва 19 тонна товар бугдой топширишни мўлжаллаб, ҳаракатни айни кунлардан бошлаб юбордик. Муҳтарам Президентимиз биз фермерларга йил сайин ғамхўрликни ошираётган, ер эгалари ҳам шунга яраша меҳнат қилмоғимиз, эл-юрт фаровонлигига ҳисса қўишни бурчимиз ҳисобламоғимиз керак.

Ҳосилнинг юқори, маҳсулотнинг сифатли бўлиши энг аввало уруғликка боғлиқ. "Андижон-2" нави республикамизда мустақилликнинг илк йилларидадан экиб келинаётган "Паловчанка" ва "Қупова" бугдой наварининг табиий чашишгандан келиб чиққан, яъни табиий танланган. Унинг афзаллигининг бир томони — дони йирик, баракали, пояси турдошларидан анча бақувват. Энг асосийси, бизнинг воҳа шароитига жуда мос — шўрга ҳам, сувга ҳам чидамли. Илдизи яхши ривожланган ва ўғитни яхши ўзлаштиради. Ўз вақтида озиклантирилиб, агротехника қондалари ва тажрибалар асосида олиб борилса, "Андижон-2" бугдой навадан бемалол 90-100 центнергача дон олиш мумкин.

Ниятимиз келгуси йилда ялпи ҳосилдорликни гектар бошига 80 центнерга етказиш. Бунинг учун тажриба ҳам, имкон ҳам етарли.

Ибодулла ИСКАНДАРОВ,
Богот туманидаги
"Дилшод" фермер
хўжалиги раҳбари.

Хоразм вилояти

Қарор ва ижро

олган соҳа билимдонлари экишдан олдин заминга фосфор сепилиши ҳам жиддий эътибор қаратишмоқда. Бу юмушга қўл йиллик тажрибага эга соҳа билимдонлари жалб қилинган.

Корхонада "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда ишчи-хизматчилар меҳнат шароитларини яхшилашга эътибор қаратилган. Ишчиларнинг дам олишлари ҳамда ўз соғлиқларини тиклашлари каби масалалар ижобий ҳал этилаётган.

Аваллари аксарият фермер хўжаликлари соҳиблари минерал ўғит олиш учун 50-60 чақирим йўл юриб, вилоят марказига келишларига тўғри келар эди. Натияжада мулкдор вақтини бой бериб, экинни оби-тобига ўғитлай олмасдан қолиб кетарди. Кейинги вақтларда бу сингари ҳолатларга қосқин барҳам берилди. Бугун "Қишлоқхўжаликимё" худудий акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда ишлаётган қай бир фермер билан учрашиб, суҳбатлашгудек бўлсангиз, улар бу ташкилот ишидан мамнун эканлигига ғувоб бўласиз.

— Ходимларимиз фермерларга хизмат кўрсатишни ўзларининг қулиқ ишлари деб билишади, — дейди жамият раиси вазифини бажарувчи Ибройим Толибов.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.
Бухоро вилояти

Чорвачиликда юқори самарадорликка эришиш аввало мустаҳкам озуқа базисини яратишга боғлиқ. Бу борада Қорақалпоғистон Республикаси чорвадорлари сифатли озуқа етиштиришни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ

— Истиклол йилларида қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар боис уруғчилик, хусусан, беда уруғчилиги борасидаги амалий ишларга кенг йўл очилди. — дейди "Тахтақўпир" фермер хўжалиги уюшмаси раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Ағитай Адилов. — Ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш, яъни мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш бораборида чорва моллари учун гоаят тўйимли озуқа манбаи — бедачиликни ривожлантириш йўлида катта ҳажмдаги юмушлар бошланди.

— Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида беда уруғи етиштиришга ихтисослашган кичик-кичик хўжаликлар ташкил этилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Фермер хўжаликлари ассоциацияси раиси Азад Тлеумуродов. — Жумладан, Германиянинг Техникавий ҳамкорлик маркази билан ҳамкорликда Амударё туманидаги 20 та фермер хўжалиги базасида дастлабки иш бошланди. Жами 100 гектарга "Қорақалпоқ-15" нави беда уруғи сепилди. Икки йилдан кейин бу майдонлардаги бедазорлардан сара уруғ йиғиштириб олинди ва Оролбўйидаги бошқа туманларга етказиб берилди. Беда уруғини кўплаб етиштириш йўлидаги сай-ҳаракатлар келаси йилларда ҳам изчил давом эттирилади.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.
Қорақалпоғистон Республикаси



ҚИШЛОҚДА ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ КУЧ

Саноатбоп узум соҳибкорлари

Тўрақўрғон туманидаги "Соҳил-пино-мускати" агрофирмаси ҳудудда жами 45 та фермер хўжалиги фаолият олиб боради. Улар асосан қишлоқ хўжалигининг энг нозик соҳаларидан бири — узумчилик билан шуғулланишади. Вазирак Маҳкамасининг қарорига асосан иқтисодий жиҳатдан ноҳор ҳолатга тушиб қолган соҳиб "Соҳил-пино-мускати" ширкат хўжалиги тугатилиб, у ердаги мавжуд экинзорлар ширкат хўжалиги аъзоларига очик аукцион орқали сотилган эди.

— Очик аукцион савдосида иштирок этиб, 4 гектар ердаги узумзорларни сотиб олгандим, — дейди "Амирхон-Шохрух-Муаттар" фермер хўжалиги раҳбари Аҳмадхон Иброҳимов. — Каровсизликдан ёввойилашиб, ҳосил бермай қўйган тоқлар секин-аста ўз ҳолига қайта бошлади. Дастлабки йиллари даромад кам бўлган бўлса, утган йили 13 миллион сўм соф фойда билан якунладик. Бу фаровонлигимизни таъминлади. Жорий йилда экин майдонларини оптималлаштириш чора-тадбирлари натижасида деҳқончилик майдонимиз 24 гектарга кенгайди. Шундан 3 гектари теракзор бўлиб, яқин йиллар ичида халқимиз эҳтиёжи учун ҳам арзон, ҳам сифатли иморатбоп ёғоч маҳсулотлари етказиб берилди. 21 гектар майдондаги узумзорнинг ҳосили пишиб етилди. Айни давларда пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилини ўзиб олиш ишлари қизгин давом этмоқда. Бу йил ҳосилнинг чўғи ҳар йилгидан кўра мўл ва сифатли бўлди. Фермер хўжалиги аъзолари билан келишган ҳолда 200 тоннадан ортиқ саноатбоп узум маҳсулотларини етказиб беришга аҳд қилгандик. Аммо ҳосил кўлангандан-да мўлроқ.

Дарвоқе, "Соҳил-пино-мускати" агрофирмаси ҳудудда "Амирхон-Шохрух-Муаттар" фермер хўжалиги сингари илгор фермер хўжаликлари кўнчилигини ташкил этади. Муҳаммадали Жўраев бошчилигидаги "Оқтош жавоҳири", Боситхон Аморов етакчи-



лигидаги "Валихон-Боситхон-Боқихон" фермер хўжаликлари ана шулар жумласидандир. Бу каби фермер хўжаликларининг номларини яна давом эттиришимиз мумкин. Улар жорий Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ўз олдидиларига 4600 тоннадан ортиқ саноатбоп узум етказиб беришни мақсад қилишган.

СУРАТДА: "Амирхон-Шохрух-Муаттар" фермер хўжалиги раҳбари Аҳмадхон Иброҳимов ва Иқромхон Акбаров.

Маъмур МУСУЛМОНОВ

Ниманган вилояти



ҲОСИЛ ЧЎҒИ КЎНГИЛАДАГИДЕК

Демак, даромад ҳам, фойда ҳам шунга яраша бўлади

Термиз туманидаги "Янгириқ" фермер хўжалиги дала-ларида иш қизгин. Пахта йиғим-терими сифатли амалга оширилмоқда. 62 гектар майдонда гўзанинг "Бухоро-102" намини парваришлаган пахтакорларнинг таъкидлашича, ҳосил кўнгиладагидек. Яъни сифат ва самарадорлик яхши. Фермер ялпи хирмонни 210 тоннага етказишни мақсад қилган. Демакки, ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Мулкдор Юсуф Абдуназаровнинг таъкидлашича, пахтачиликдан кутулаётган даромад 100 миллион сўмга, соф фойда эса 30 миллион сўмга етади.

СУРАТДА: фермер Юсуф Абдуназаров.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Сурхондарё вилояти

Интиқилиш

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури кўплар қатори Миразқўл туманидаги "Янги дала" сувдан фойдаланувчилар уюшмасидаги "ШНДС" фермер хўжалиги аъзоларини янги режаниятларга ундади. 115 гектар ер майдонда деҳқончилик қилиб, мўл пахта ва галла ҳосили етиштириб келаётган жамоа балиқчилик ёрдамчи хўжалиги ташкил этишга аҳд қилди.

Дельфинлар бўлмаса, балиқлар-да...

Ёрдамчи хўжаликда балиқ етиштираётган эпли фермер

— Оббо Шўхратбой-эй, — дейишди хўжалик раҳбари Шўхрат Жомбоеви у ер-бу ерда учрашиб қолганларида баъзи қишлоқдошлари, — қоқ чўлда олтин балиқлар етиштириб, ҳавойи озуқларини ушаладим-йўқми, бир синиб кўрай дебсиз-да...

Шўхрат эса, табиатдан босиб, мулоҳазали йиғит. Бу гапларга қулиб қўй қолганди. Лекин 4 гектар майдонда ҳовуз қаздиришга, уни сув билан тўлғазиб, "Дельфин ороли" деб атаганида, яна кимдир "Хали дельфинлар ҳам етиштирасизми?" деб юборганини эсидан чиқармайдди. — Дельфинлар бўлмаса, балиқлар-да! — деган эди ушанда у.

Бу хангомалардан кўп вақт ўтмай, Ш.Жомбоев ўзи яратган сунъий ҳовузга оқ амур, зогора ва дўнгпешона зотли балиқларнинг 10 мингдан зиёд чавақчаларини келтириб ташлагача, бу хангомалар энди "Шўхратжон эпли йиғит, айтганини қилмай қўймайди", деган мазмундаги эътироф билан алмашди.

Ҳа, Шўхратжон шунақа бир сўзли йиғит. Хозирги пайтда сунъий ҳовузга ташланган ўша митти чавақча-

лар ҳовуз қаъридан қўкка сапчиб, турли "уйинлар"ни намойиш этадиган семиз балиқларга айланди. — Зогора билан дўнгпешона балиқларини лўқмаи ҳалол сифатида жуда шифобахш ва осон кўпаядиган балиқлар, — дейди у. — Тез улғаяди, тез семиради. Емишни ўз вақтида бериб, балиқ овловчи ёввойи кушлардан сақлаб турибмиз. Мустақиллигимиз байрамини арафасида қишлоқимиз нурунийлари ва фаолларини ўзимиз етиштирган балиқлар билан сиёлаб, уларнинг дуосини олдик. Ишларимиз кундан кун юришяпти. Оқ амурнинг гўшти яхшигина тош босади. Унинг яна бир фазилати — ўсимликхўр. Зовурларни тозалайди, сувда урчидиган зарарли хашаротларни йўқотади.

Пахта йиғим-теримини қизгин ўтказилмиш. Ниятимиз — 65 гектар пахтазоримизнинг ҳар гектаридан шартнома режасидаги 26 центнер ўрнига 30 центнердан ҳосил олиш.

Келдиёр ЖўРАҚУЛОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Жиззах вилояти

Бухоро вилояти "Қишлоқхўжаликимё" худудий акциядорлик жамияти раиси вазифини бажарувчи Ибройим Толибовнинг таъкидлашича, жамоада, биринчи навбатда, фермерларнинг эҳтиёжларини қаноатлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Хукумат қарорига кўра ташкил этилган шохобчаларда кўрсатилаётган хизмат фермерларга маъқул келяпти. Мақсад фақат таъминотни йўлга қўйиш эмас, балки шохобчалар ҳузурда қўшимча сервис хизматлари кўрсатиш ҳамдир.

— Бугунги кунга келиб фермерларга сервис хизмати кўрсатадиган 73 та шохобча мавжуд. Уларда барча ердаги қишлоқ хўжалик экинлари учун минерал ўғитлар етказиб берилди, — дейди жамият фермерларга сервис хизмати кўрсатиш бўлими бошлиғи Комил Уринов. — Вилоятимизда фаолият кўрсатаётган 3966 та фермер хўжаликлари билан минерал ўғит етказиб бериш, агрокимё хизматлари кўрсатиш ва дефолиация ўтказиш бўйича тўлиқ шартномалар имзоланган. 65600 гектар майдонга физик ҳолда 35,6 минг тонна азотли, 13,1 минг тонна



"ҚИШЛОҚХЎЖАЛИККИМЁ" — ДЕҲҚОН ҲАМКОРИ

фосфорли минерал ўғитлар етказиб берилди. Галла майдонларида 3 марта азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар эритмаси билан суспензия (баргидан озиклантирилди) ўтказилди. 2009 йил ҳосили учун жами 109600 гектар майдонга экилган пахта ниҳолларини озиклантириш учун 91 минг тонна азотли, 22,4 минг тонна фосфорли ва 1,3 минг тонна калийли ўғитлар етказилди. Ғўзалар 3 марта азотли, фосфорли ва калийли

минерал ўғитлар эритмалари билан озиклантирилганига сабабли бугунги кунда далаларда мўл пахта ҳосили пишиб етилди.

Хозир галла экиннинг айни вақти. Оби-тобига келган ерга сепилган уруғ қисқа вақтда уйиб чиқади, майсанинг тез ривожланишига имкон яратади, дейишмоқда бухоролик уста деҳқонлар. Ниҳоллар қанчалик чўқур илдиз отса, қиш совуғида шунчалик сақланади. Ана шунини инобатга

Мажмуа чирой очмоқда



даги ариқчалардан сувлар оқиб турибди. Кейинги икки йил ичида бу ерда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Зиёратгоҳ тўлиқ таъмирланди ва мақбара атрофи 14 метр кенгликда пазайтирилди. Тўртта соябон (айвон) барпо этилди. Бир сўз билан айтганда, кенг кўламли ишлар тўғрисида мажмуа ҳам бўйига, ҳам энгизга кенгайтириш ўзига хос кўрамлини акс эттирди.

Олтинсойлик 75 ёшли Карим ота Муродов ҳам бу жойдаги улкан бунёдкорлик ва ўзгаришлардан лол қолганини изҳор этди.

— Тошкент Ирригация ва мелiorация институтида таҳсил оламиз, — деди Беруний Яхёев.

— Асли карманаликман. Курсдошим Мақсуд Тожибоев пойтахт



вилоятининг Паркент туманидан. Бу ердан ўзгача таассурот билан қайтган. Улуғ бобомизнинг

Кутлуг қадамжолар

меросини қанчалик чуқур ўрганасак, ўзлимизни шунчалик англаган бўламиз.

Яқинда ушбу мажмуада бўлган давлатимиз раҳбари бу ердаги буюк бунёдкорлик ишларига юксак баҳо берди. Уни янада кенг кўламли давом эттириш юзасидан қимматли тавсияларни айтиш экан, зиёратчилар учун ҳар томонлама қулай шарт-шароитларни яратиш лозимлигига асосий эътиборни қаратди.

— Машина тўхтайдиган жой анча узок. Улар учун ҳам қулайликлар яратилди. Демократизмизки, зиёратчилар бу ерга келиб қийналмасин. Улар орасида турли ёшдагилари бор, — дея алоҳида ургу берди вилоят имом хатиби Али Акбар Сайфуддинов. — Мажмуа тўлиқ девор билан ўраб олинса, зиёратгоҳ оёқсиз бўлмайди. Юртбошимизнинг манзарали дарахтлар экилсин, сув айланб оқсин, чунки обиҳайт бор жойда панох бор, — деган таклифлари кўнглимизни тоғдек кўтарди, янада улуғ ишларга ўндамоқда. Зиёратчилар учун янада сўлим жойлар барпо этиляпти. Мажмуани ободонлаштириш юзасидан лойиҳа ҳужжатлари тайёрланяпти.

Ҳа, улуғ зиёратгоҳлар доимо юрт эъзозиди. Унинг янада обод бўлиши эса фидойи элнинг ҳамжихатлиги, аҳиллигидан нишона.

Хусан ТЕМИРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.
Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.
Сурхондарё вилояти

Буюк аллома Ҳаким ат-Термизий хоки абадий қўним топган мазмунли мажмуа IX аср охири—X аср бошларида барпо этилган. Аллома ислом маданияти тараққийига улкан ҳисса қўшган. Истиқлол йилларида олимнинг илмий ва маънавий мероси чуқур ўрганиляпти. Мажмуа тўлиқ таъмирланди, атрофи ободонлаштирилди. Зиёратчилар учун барча шарт-шароитлар яратилди. Бу ерда барпо этилган "Мерос" музейи ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилляпти.

— Исми Ҳакима, — дейди зиёратчилардан бири. Озарбойжоннинг Боку шаҳриданми. Ўғлим Элман билан мажмуани зиёрат қилдик. Бу ердаги қурилиш ва ободончилик ишларини кўриб, баҳри дилимиз очилди. Буюк бобомизга кўрсатилган

иззат-ҳурмат, Ислом оламига, инсониятга бўлган беқиёс садокатнинг амалдаги ифодасидир.

Шинам ва кўркам йўлакчалар орқали борар эканмиз, анвойи гулларнинг хиди димоғни қитқилайди. Саккиз гектарлик ҳудуд-

МАККАЖУХОРИ КАСАЛЛИККА ҚАРШИ

Кони фойда ўсимликлардан бири ҳисобланадиган маккажухори Мексикада маданийлаштирилган бўлиб, ёввойи ҳолда учрамайди.

Қадим замонларда Марказий ҳамда Жанубий Америка маҳаллий аҳолиси асосий озиқ-овқати саналган маккажухори XVI асрда Осий ва Африка қитъасида ҳам етиштирила бошланди.

У Ўзбекистон шароитида ҳам яхши ўсадиган маданий ўсимликлардан бири сифатида қадрланади. Унинг дони ва унidan тайёрланган махсулотлар киши танасидаги биокимёвий жараёнлар учун жуда фойдалидир. Ўсимлик таркибидаги шифобахш

Биласизми?

моддалар, мураккаб кислоталар ёғ моддалари таркиб топиши ва парчаланishiда, буйрак усти гормонларининг фаол ишлашига таъсир қилади. Дони таркибидаги моддалар тўқималарнинг нафас олиши, ўсиши ва қайта тикланишида ҳамда гемоглобин ҳосил бўлишида, кўриш қобилиятини тиклашда ижобий ўрин тутлади.

Маълумотларга кўра, маккажухори таркибидаги магний моддаси тананинг қорини жараёнини олдини олишда, қарилек билан боғлиқ касалликларга барҳам беришда қўл келар экан.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.



Б тарихий ва бадий қийматга эга бўлган буюмларнинг юртимиздан ноқонуний равишда олиб ўтилишига қарши кураш борасида Давлат божхона кўмитаси ходимлари томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

СОХТА ТАНГАСУНОСЛАР

Яқинда Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари бир неча ҳолатда катта миқдордаги тарихий, маданий ва бадий қийматга эга бўлган нодир буюмларнинг четга олиб чиқилишининг олдини олишди.

Юртимиздан чиқиб кетаётган Афғонистон фуқароси А.Абдул Разақ божхона баённомасини тўлдирар экан, негадир автомобилнинг юкхонасидаги самоварни қайд этишни "унутибди". "Айритом" божхона комплекси ходимлари эса бунинг тағига етишди. Нархи салкам 1,1 млн. сўм деб баҳоланган ушбу самовар шунчаки ҳўжалик буюми эмас, аксинча тарихий қийматга эга, XIX—XX асрнинг 2 ярмига тааллуқли нодир самовар экан.

Пост инспекторлари Абдул Разақнинг юрдоши Х. Торахоннинг қинғир қилмишларига ҳам чек қўйишди. Унинг қўл сумкасида қадимийлиги жиҳатдан самовардан қолишмайдиган, оқ металлдан ясалган тарихий тангалар топилди. Қиймати 1 млн. сўмдан ортқ бўлган ушбу 14 донга танга (XIX—XX асрнинг биринчи ярми) ни қонунбузар яширин тарзда юртимизга олиб киришни кўзлаган экан.

Қўшни давлат фуқароси Х.Жубаниёзова ашаддий "тангашунос"лардан бўлиб чиқди. Афғонистондан юртимизга кираётиб бу аёл ёнида божхона баённомасида қайд этганидан ташқари валюта ёки валюта қийматига эга бўлган товарлари йўқлигини маълум қилди. Аммо аёлнинг қўл сумкалари божхона кўригидан ўтказилганида, баённомада кўрсатилмаган тарихий тангалар яширилгани маълум бўлди. Оқ металлдан ясалган, қиймати салкам 5,2 млн. сўмга тенг ушбу тангалар оз эмас-кўп эмас нақд 173 донга экан.

Бадий экспертизага тақдим этилган ушбу буюмларни ўрганиб, таҳлил қилиш жараёнида улар XIX аср-ва XX асрнинг биринчи ярмида зарб этилганлиги маълум бўлди.

Тошкент шаҳар божхоначилари фуқаро Ш. Акифуми томонидан бир қанча нодир адабиётларнинг Японияга жўнатиб юборилишининг олдини олишди. Утган асрнинг ўрталарида чоп этилган, тарихий ва бадий мазмундаги ушбу китобларни Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августдаги "Маданий бойликларни олиб чиқиш ва олиб кириш тўғрисида"ги Қонунининг 8-моддасига кўра республикамиз ҳудудидан олиб чиқиш таъқиқланган. Аммо қонунбузар буни гўёки "билмас" эмиш.

Ҳозирда ушбу қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Давлат божхона кўмитаси Матбуот хизмати.

АВТОТРАНСПОРТ КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ



"ГАЗ-3221" русумли 13 ўринди микроавтобус

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт — 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўриндиқли, 0,8 тонна юк кўтарадиган фургонлар, 6-15 ўриндиқли микроавтобусларни сотади. Ҳақ тўлаш исталган усулда!



"ГАЗ-3309" русумли 4,5 тонна юк кўтарувчи машина



6 ўринди, 2 тонна юк кўтарувчи, "ГАЗ-330232-Фермер" автомашинаси

Манзил: 100015.

Тошкент ш. Шаҳрисабз кўчаси 16'-й.

Тел/факс: (99871) 256-13-01.

256-10-36, 256-03-62, 126-12-94.

Автосалон: 127-69-60.

140-41-22, 140-41-21.

E-mail: info@auto.uz

Web-site: www.auto.uz

ФУТБОЛ



Мусобақа давомида терма жамоамиз Москва шаҳри жамоасини 7:2, Россия ёшлар терма жамоасини 9:1, Россия терма жамоасини эса кескин кечган баҳсдан сўнг 1:0 ҳисобида мағлуб

Ўзбекистон ампутант футболчилари МДХ кубоги соҳиби

Россияда бўлиб ўтган ампутант футболчилар терма жамоалари ўртасидаги МДХ кубоги мусобақасида Ўзбекистон ампутант футболчилар терма жамоаси юз фоизлик натижани қайд этди.

Килишга муваффақ бўлди. Ва ниҳоят, МДХ кубогининг амалдаги соҳиби Россиянинг "Нижнегород" клуби ҳам 3:2 ҳисобида мағлубиятга учра-тилиб, кубок қўлга киритилди. Турнир сўнигда 6 та номи-

нация бўйича "энг яхши"лар аниқланди. Унинг 5 таси ҳамюртларимизга насиб этди. Булар "Энг яхши ҳужумчи" — Абдужалил Шукров, "Энг яхши футболчи" — Қудрат Худойкулов, "Энг яхши ҳимоячи" — Азиз Азимов, "Энг яхши дарвозабон" — Зоҳид Тошхўжаев ва "Энг яхши мураббий" — терма жамоамиз бош мураббийи Анвар Исмоиловлардир.

Энди терма жамоамиз 2009 йилнинг 5-18 ноябрь кунлари Бразилияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати-га жўнаб кетишга тайёргарлик қўришади.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Низомий номидagi Тошкент Давлат педагогика университети томонидан 2003 йили Эрсониев Одижон Абдуллаевичга берилган В № 139754 рақамли диплом йўқолганини сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Яқкасарой т.да рўйхатга олинган "ODESSKIE ISTORI" МЧЖ Устав фондини 26 088 778 сўмдан 24 088 778 сўмга камайтирилганини билдиради.

Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия институти томонидан 1996 йили Сидиков Раъшан Юсуфович номига берилган № 082891 (рўйхат рақами № 59) рақамли диплом йўқолганини сабабли бекор қилинади.

ЧФ "SAB KAT ANHROB BARAKA" (ИНН 447249372), регистриванное Мирабадском р-не г.Ташкента от 03.10.2009 г., ликвидирован. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 157-75-79.

Утерняный гос.ордер № 04-02/334 от 03.12.1992 г. права собственности на квартиру на имя Олейниковой Тамары Филипповны, считать действительным.

Утерняную справку о купле-продаже за № 3779, выданный 16.09.09 г. БТИ Утернянского р-на г.Ташкента по адресу Чиланзар 23-4-27 на имя Тагаевой Рапо Суванкуловны, считать действительным.

ООО "AVTO INVEST LEASING" сообщает об уменьшении Уставного фонда с 931 603 000 (девятьсот тридцать один миллион шестьсот три тысячи) сумов до 585 000 000 (пятьсот восемьдесят пять миллионов) сумов.

ЧП "BERAD-TEKS" (ИНН 202321131) преобразуется в ООО "BERAD-TEKS". Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 233-66-91.

ЧП "YUPTER SERVIS TUR" (ИНН 300646359), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г.Ташкента, расположенное по адресу: Алгорити-27-3, ликвидируется (протокол собрания № 1 от 25 сентября 2009 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 345-90-33.

ООО "MUSHTARIY FARM BIZNES" (ИНН 300752314), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Утернянского р-на г.Ташкента, расположенное по адресу: Чиланзар-26-10-87, ликвидируется (протокол собрания № 1 от 1 октября 2009 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 414-84-50.

<p>Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ</p>	<p>МУАССИСЛАР КЕНГАШИ Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин КУДРАТОВ, Фарход ОМОНОВ, Раҳимберди БҮРИЕВ, Ғулможон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУКОДИРОВ, Илхом ХАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, Мухаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБОВЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ, Ҳақимжон УМАРХҲУЖАЕВ.</p>	<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Ағитай АДИЛОВ, Ғофир АЛИЕВ, Тўланбой КАРИМОВ, Шухрат ҒАНИЕВ, Устам БАРНОЕВ, Уткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам КОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муриддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).</p>	<p>ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жавобчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котиб — 233-95-17, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93. ХУДАЙДАРИ МҲУБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси — 585-16-12; Андижон — 224-99-13; Бўлроқ — 542-05-18; Жиззах — 386-61-18; Наманган — 224-69-08; Самарқанд — 222-29-97; Сирдарё — 372-38-13; Фарғона — 223-35-98; Хатлон — 222-29-97; Қашқадарё — 372-38-13; Тошкент — 100-29-61; Хоразм — 750-82-39; Қашқадарё — 221-59-40.</p>	<p>Реклама ва эълонлар 233-44-43, 775-04-73, 236-58-83, 233-28-04. Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар.</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи: А.ҲАҚБЕРДИЕВ Мусоҳиҳ: С.КОДИРОВ Дизайнер: Ф.РАСУЛОВ</p>	
<p>Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.</p>	<p>Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.</p>	<p>Буюртма Г-817, ҳақми 2 босма табоқ.</p>	<p>Офсет усулида босилди, қозғ бичими А-2.</p>	<p>Босишга топширилди вақти: 21.00 Босишга топширилди: 22.15 10107 нусхада босилди. Нашр индекси — 144</p>	<p>Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.</p>	<p>"Шарқ" нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>